RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. А. Салахитдиновни Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Алахитдинович Салахитдинов Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 6 январь.

Фожиа олдини олишгани учун

Ўзбекистонлик учувчиларнинг маҳорати туфайли самода йирик фожианинг олди олингани ҳақида аввал батафсил хабар берган эдик («Ўзбекистон овози»нинг 1998 йил 12 ноябрдаги сони).

Ушанда самаралик диспетчернинг хатоси қимматга тушиши мумкин эди. Аммо Москва — Тошкент йўналиши бўйича қатновни бажараётган «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпаниясининг Валерий Кулавский ва Евгений Вашчуркинлардан иборат экипажи «Эрбас индастри» консорциумида ишлаб чиқарилган замонавий ҳаво кемаси А-310нинг имкониятларидан фойдаланиб, самолётни курсдан 40 даражагача чапга буриш натижасида Гонконг — Франкфурт йўналишида парвозни бажараётган Боинг-747 самолёти билан тўқнашиб кетишга йўл қўймаган ва юзлаб инсонларнинг ҳаётини, миллионлаб долларга харид қилинган қимматбаҳо техникани сақлаб қолган эди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан ушбу мард учувчилар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишгани ҳақида хабар юртимиз бўйлаб тарқалди.

— Ушбу мукофот нафақат бизнинг шахсий ютуғимиз, балки миллий авиакомпаниямиз аҳил жамоасининг фидокорона меҳнатига берилган баҳодир, — дейишди мукофотланганлар. — Бизнинг ўрнимизда ҳар бир ҳамкасбимиз ҳам худди шундай йўл тутишига аминман. Камтарона меҳнатимизни шундай юксак мукофотга лойиқ кўрган мамлакатимиз Президентига самимий миннатдорчилигимизни изҳор қилмоқчимиз. Биз бундан буён ҳам парвозларимиз бехатар бўлишини таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўришга ҳаракат қиламиз.

Миллий авиакомпания йўловчиларга юқори савияда хизмат кўрсатиб чет эллик мижозлар кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг декабрь ва янги йилнинг дастлабки кунларида Бангкокка жадвалдаги мунтазам қатновлардан ташқари йигирмага яқин чартер қатнови бажарилди.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

Вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Кўчмас мулк ва сармоялар Агентлиги «Республика профессионал баҳоловчилари» жамиятини ташкил қилдилар.

Профессионал баҳоловчилар ташкилотининг мақсади республикамиз ҳудудида ҳар хил мулк турларини баҳолайдиган мутахассисларнинг иш юритишига кўмаклашишдир. Давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлаш ва профессионал баҳоловчиларнинг ўқув дастурларини тайёрлаш, баҳоловчиларнинг профессионал иш юритишига ёрдам берадиган ахборот ва маълумотлар тўплаш, ташкилот аъзоларига ўз вақтида ахборотлар тақдим қилиш, илмий кенгашларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилот ва муассасаларда тарғибот қилишдир.

Янги ташкилотнинг Низоми лойиҳаси кўриб чиқилди ва зарур тадбирлар белгиланди.

Муроджон ТОЖИЕВ

Муҳим маънавий манба

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси янги — 1999 йил арафасида «Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат» номли китобни кўп нусхада чоп этди.

Унинг муаллифлари — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ходимлари, республиканинг бошқа илмий, ўқув даргоҳлари ҳамда давлат идоралари, жамоат ташкилотларида меҳнат қилаётган олимлар.

Луғат ўз ўқувчиларини мустақиллик туфайли ҳаётимизга кириб келган 200 дан зиёд атама, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий тушунчалар, муҳим саналар маъно-мазмунига шарҳлар, изоҳлар, шунингдек, тарихий шахслар фаолияти ҳақида маълумотлар беради.

Халқаро иқтисодий атамалар ва мустақиллик солномаси иловалари ҳам мазкур нашрдан ўрин олган.

А. Жалолов ва Қ. Ҳоназаров умумий таҳрири остидаги ушбу луғат кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон мустақиллиги масалалари билан қизиқувчиларга муҳим маънавий манба бўлиб хизмат қилади.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 7 январь, пайшанба • № 3 (24.398).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини хабардор этиш, инсонпарварлик хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотида фаол иштирок этиш мақсадида:

1. Ибн Сино халқаро жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан киритилган таклиф қабул қилинсин.

2. Жамғарманинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни тезлаштиришга кўмаклашиш;

соғлиқни сақлаш тизимини тузилиш жиҳатидан қайта қуришда, тиббий-ижтимоий хайрия ташкилотларини, нуронийлар учун геронтология (гериатрия) марказларини очиш ва Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий тиббиёт илму фани асосида Шарқ табобатини (халқ табобатини) ривожлантириб бориш;

Абу Али ибн Синонинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ишларини ташкил этиш, мактаблар ва олий ўқув юртлари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, буюк олим асарларини тартибга солиш ва уларни нашр этишга кўмаклашиш, Ибн Сино кутубхонасини очиш;

буюк олим асарлари асосида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, китоблар, рисолалар, журнал нашр этиш, телевидение ва радиода доимий ишлаб турадиган дастурлар очиш, Ибн Сино музейини барпо этиш;

Ибн Синонинг тиббий ва илмий-маънавий меросига оид тадқиқотлар олиб боришга, унинг фандаги мактабларини ўрганишга кўмаклашиш, хусусан олимларнинг бу борадаги илмий фаолиятини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;

тиббиёт ва доришунослик соҳасидаги энг яхши ишлар учун Ибн Сино номидаги мукофот таъсис этиш ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш;

чет эл олимлари билан алоқалар ўрнатиш, Ибн Синонинг илмий меросига бағишланган халқаро симпозиумлар, конференциялар, конгресслар ўтказиш;

мамлакатнинг барча вилоятларида ва хорижий ўлкаларда Жамғарма бўлимларини ташкил этиш, буюк ватандошимиз таваллуд топган тупроқ — Бухоро шаҳрида ҳар йили Ибн Сино халқаро ўқишларини ўтказиб туриш;

ЮНЕСКО билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиб бориш, Жамғарманинг равнақ топиб бориши учун моддий асос яратиш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш.

3. Ибн Сино халқаро жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 10 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, хорижий юридик ва жисмоний шахслар ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан бериладиган хайрия маблағлари учун Жамғарманинг ҳисоб рақами доимо очиқ ҳисобланади.

Ибн Сино халқаро жамғармаси ва унинг бўлимлари давлат бюджетига тўланадиган ҳамма турдаги солиқлар, бож тўловидан беш йил муддатга озод қилинсин ва булар Низомда кўзда тутилган фаолиятларни амалга ошириш учун сарфлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма фаолиятини маблағлар билан таъминлашнинг асосий манбалари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади: давлат грантлари, ўзбекистонлик ва хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, халқаро инвестициялар, хайрия бадаллари ва ўз фаолиятидан тушадиган даромад маблағлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 6 январь.



Газетхон ота

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

Хатлар, хатлар, хатлар

Газетхон...

...таклиф этади

Касбим иқтисодчи. Матбуот саҳифаларида шу мавзуда чоп этилаётган мақолаларни кузатиб бораман. Жумладан, «Ўзбекистон овози»да ҳам бу мавзудаги мақолаларга кенг ўрин берилмоқда.

Очиғи, бозор муносабатлари туфайли иқтисодиётда дуч келинаётган қийинчиликларни фақат назарий тавсиялар билангина эмас, балки дадил, амалий тадбирлар орқали ҳам бартараф этиш зарур. Масалан, бизнинг бозорда чек сотиш, хизмат кўрсатиш қатъий тартибга солинган.

Янги ишга туширилган тижорат бозорларимиз ҳам пул тушумини кўпайтиришга ҳисса қўшмоқда. Шу ўринда пул эмиссиясини камайтириш қийин кечаётгани, бозор, савдо ва бошқа бир қанча ташкилотлар нақд пул тушумини кўпайтиришни ҳамиша ҳам эплай олмаётганини эътироф этиш лозим. Тижорат билан машғул одамлар қўлида катта миқдорда пул айланаётганини кўриб турибмиз. Нега улар пулларини банкларга топширмайдилар? Чунки улар банкларга унчалик ишонмайдилар. Ундан ташқари олаётган устамалари уларни қаноатлантирмайди. Агар устамалар оширилса, исталган вақтда ўз пулини ололса-чи? Ана шунда тижоратчи жамғармасини молга айлантириш баробарида банкларга топширишни ўйлаб кўрарди. Шундай эмасми?

Шомил МИРОВ,
Китоб туман деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти раиси

...танқид қилади

Йигирма биринчи аср бўсағасида яшаётганимизга қарамасдан маҳалламизга ҳанузгача электр, ичимлик суви келтирилмаган. Биз вилоят ҳокимлигига мурожаат қилган эдик. Назорат инспекциясининг етакчи мутахассиси Т. Эргашевнинг жавобида юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун қанча маблағ, электр сим, қувурлар кетиши ва харажатлар кўрсатиб ўтилган. Мазкур масала бўйича ёзган хатларимиз туман ҳокимлигига қайтиб келади. Ваҳоланки, бизлар туман ҳокимлигидан умидни узганмиз. Бу муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беринг-излар.

Ж. АКРАМОВ, А. КАРИМОВА,
жами 29 имзо,
Деҳқонобод тумани, Ибн Сино маҳалласи

Хатларни газетамизнинг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири Юнус Узоқов саралади

Ўзбек феъли

«Рангчи» бобо

Бу дунёнинг ишлари

Қиш-қишда: бир кун изғирин бўлса, иккинчи кун ҳамма ёқ оқ чойшабга айланади. Бугун эса осмоннинг чоки дамба-дам сўкилиб, кўз ёши қилар, шаррос куйган ёмғирдан эса тарновлар худди тегирмонга қуйилаётган наво сингари сувга дош беролмай, титрайди. Бу ҳолни кузатарканман, эсимга бундан анча йил илгари бўлган воқеалар — аниқроғи Рангчи бобо, унинг ҳангомалари келди.

Рангчи бобонинг асли исми Даврон эди. У дилкаш, меҳмондўст бўлиб, ҳеч кимни ранжитмай, аксинча борини ўртага сочар, қизғаниш ёт эди унга. Шу боис бош ёрилса, дўппи остида деб биларди. Аслида номи Ғиждувон туманида ҳаммага таниш, уста пахтакор Даврон Зикриллаев моҳир бригадир сифатида ҳам, орттирган лақаби «рангчи» сифатида ҳам давраларга жон киргизади. «Рангчи» лақабини олганининг сабаби бор албатта: ҳар бир фикрини ишонарли қилиб гапирар, гапирганда ҳам одамлар дилидаги ҳорғинликни юмшатар, мойли сўзи билан улар кўнглига қувонч уруғини сочарди. Баъзан ёлғонга ҳам тўн кийгизарди-да!

Даврон отага «рангчи» лақаби илинганига ҳам аввало ўзи сабабчи. Ўша етмишинчи-саксонинчи йилларнинг баҳори. Далада иш қизғин, бош қашишга вақт йўқ. Чигитни тезроқ экиб олиш керак. Бўлмаса бригада анъанадан сал чекинган бўлади. Бунинг устига раис — Қизбиби опанинг таъналари ёмон, ахир Қаҳрамон раҳбар кесатиғига бардош бергандан кўра, чопонни елкага ташлаб, «таслим» бўлиш керагов.

Айни кун қизиганда тракторларга дам берилди, ҳамма топганини дастурхонга қўйди. Шунда бригадир:

— Оз фурсат бўлса ҳам оёқлар чигалини ёзайлик-а, — деса бўладими. У ўнг оёғидаги этикни ҳафсала билан тортди. Тортди-ю, митти кўзлари йириклашиб, лунжи буришди, оёғи нафармон ранг. Ҳеч кимга эътибор бермай иккинчи этикни ечди: оёғи кўм-кўк! Во ажаб?!

Кимдир гап қотди:

— Кечқурун шийпонда кўринмаганингизнинг исботими бу? Андак шошибсизда, рангчи бобо!

Бригадир сир бой бермади, ориятн кучли. Оёқларини артаркан, ранглар аралашиб кетди. Ўртада кулги авжига чикди. У ҳақиқатан ҳам тунда уйига борганди. Бригадир этикни, аниқроғи пайтавасини янгиламоқчи эди. Ҳўл пайтавани симга илиб, сўрида кўзи илинган. Тонгда пайтава деб хотини бўяб қўйган бўз бўлакларидан олиб оёғига ўраганча далага югургани шу-да! Ана, машмаша, мана лақаб — «Рангчи!» Шу бўлди-ю, қавалиликлар уни «Рангчи» бобо дейишадиган бўлишди.

Илгари ҳам Даврон отанинг ҳазилкашлигига ҳамма тан берган. Ишкалли иш чиқиб қолса, жамоани эмас, балки ўзини «бало»га балогардон қилган. Шўролар даврида ҳар бир калхўзга турли вакиллар келавериб, деҳқоннинг ғашига тегишарди. Албатта улар кўнглини овлаш керак, бўлмаса кечқурин пўстагингни қоқишлари аниқ! Йўлини топганга — офарин, чиғириққа тушмайди!

Айни саратон, тўй қилиш мумкин эмас, комиссия болалаган пайти: ғўза нега сувдан қолди, «шарбат» қани? Шунга ўхшаш қатор ўйлар, ҳисоботларга кўра, Ҳиндистон ўтган йили барча рекордлардан ўзиб кетиб, четдан 800 тонна олтин келтирганди. 1997 йилда эса, бу кўрсаткич 737 тоннага етганди. Олтин нархи ошганлигини биринчи навбатда қиз узатишга шайланаётган кишилар сезишди. Чунки январнинг ўрталаридан Ҳиндистонда тўй даври бошланади. Қизларга эса сеп сифатида кўплаб тилла буюмлар зарур. Буни ҳисобга олиб Россия Лондон биржасини четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри Ҳиндистонга олтин етказиб бермоқчи.

пўписа, терговлар. Э, Рангчи бобо буларнинг ҳам йўлини топганди. Шу боис Қавалида тўй ҳам, маъракa ҳам ўтаверади. Фақат...

Кун пешиндан оққанда бригадир Ахрор аканинг маъракасидан қайтаётганда узоқдан «Газик» кўринди. У пинагини бузмади. Чунки, сал илгари гўнг ортилган арава «шарбат» оқизиш учун маҳсулот олиб кетганди. Аммо, уни сувга аралаштирувчи Тожи ҳам тўйда. Даврон ота ярим яланғоч сувга кириб, гўнгни қўзғаб турганди хандак бўйига машина келиб тўхтади. Раис писанда қилди:

— Даладан бугун ҳам сизни тополмаймиз деб ўйлагандим.

— Шу денг, Тожининг тоби қочиб қолса бўладими, — бригадир ақлини ишга солди. — Ахир, саратонда ким ҳам сояда ўтирарди. Мана, ўзимиз ноилож...

Раиснинг ранги ўзгарди, комиссия илжайди: молодес!

Аслида раис ҳам, райкомнинг иккинчи котиби ҳам, бу ерда узоқ туришолмас, сабаби ҳамма ёқни сассиқ гўнг ҳиди қоплаганди. Бригадирнинг кайфи борлигига ҳам уларнинг фаҳми етмади, шу боис Рангчи бобо бу гал ҳам сувдан қуруқ чиққанди.

У пайтлар газ деган нарсани қишлоқ аҳли билмасди. Ўшанда ҳам зимистон қиш, изғирин. Қўшни тумандаги дўсти Қулмурод дарвозадан кириб келди. Улар бағирлашишди, узоқ сўрашишди. Рангчи бобо дўстини меҳмонхонага олиб кирди: хона деворларида қиров йилтирайди, сандалига солинган чўғ ҳам анча сўнган. Рангчи бобо кампири хижолатда: меҳмон ҳолимизга кулсая? Ғўзапоя қор остида, нима қилсам?

Совуқ бўлгани учун болалар кўшни хонадаги сандал атрофида бир-бирига тиқилишиб ётарди. Кампир боши қотиб турганда эри:

— Паловхон қиласизда хотин, — деди ҳамма аҳволни билсада. — Меҳмон қуруқ ўтини йўқ экан демасин, хўпми?

Даврон рангчи болта олиб, хона эшигининг бир табақасини қўпорди. Хотини жим, ахир эшик керакку, демади. Асл аёл, эрини ўйлайди. Овқат ҳам пишди, меҳмоннинг ҳам кўнгли овланди. Аммо, бир уй эшиксиз қолса ҳам — муҳими обрў сақлаб қолинганди-да?

Қизиқ замонларни кўрди отахон. Марказдан нақд «билимдон» комиссиялар унинг бригадасига вакил бўлиб келишарди. Ўшанда Рангчи бобо ўрта ва ингичка толали пахта экишарди. Ҳосил айни бўлиқлаша ётган пайтда унинг бошини «буюкоғалар» қотиришарди: нега бу ернинг ҳосили кўп аммо каробичкаси кичик? Нега бунисида бешта, унисида учта чаноқ? Шунда ҳам йўлини топарди ота:

— Ҳаммасига кечаги шамол айбдор. У ердаги ҳосил бу томонга ўтган ва ҳоказо.

Мана, ҳозир истиқлол, отанинг орзулари ушалди. Деҳқоннинг ихтиёри ўзида, қачон экади, нимани экади билади. Хонадонида табиий газ, шўр сув ичмайди. Ишлаганга имкон кенг. Қавалиликларда эса фақат битта камчилик бор: ораларида Рангчи бобо ўрнини босадиган одам топилмайди. Фарзандлари Рангчи бобо изидан боришмади-да. Лекин, отахон ҳақида ширин хотиралар ҳар гал байрам гурунгларининг аввали бўлиб келаётгани унинг одамлар билан бирга эканлигидан далолатдир.

Даврон БАҲРОНОВ

Бу дунёнинг ишлари

Чегарада байрам

Боку — Супса йўналиши бўйлаб қурилган нефть ўтказгич Грузия давлат чегарасигача етиб борди. Нефть ўтказгич орқали йилига беш миллион тонна нефть етказиб бериш мўлжалланмоқда. Грузия ҳудуди бўйлаб ўтказиладиган ҳар барель нефть 17 центдан, Озарбойжон ҳудуди орқали ўтадиган нефть эса 42 центдан қазилмоқда. Умуман нефть 930 километр масофага етказиб берилади. Грузия ҳудудига нефть кириб келиши муносабати билан ўтказиладиган тантаналы маросим 8 январь куни Грузия — Озарбойжон чегарасида бўлади.

Олтин нархи ошди

Ҳиндистондаги биржаларда олтин ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар нархи ошди. Бинобарин, ушбу маҳсулотни келтириш учун давлатга тўланадиган бож 60 фоизга кўтарилгани боис, унинг нархи ошди. Бундан мақсад давлат хазинасига келадиган фойдани кўпайтириш. Энди сариқ металл мамлакатга яширин йўллар билан келтирилмоқда. Маълумки, Ҳиндистон тилла импорт қиладиган энг йирик мамлакатлардан бири. Дастлабки маълумотларга кўра, Ҳиндистон ўтган йили барча рекордлардан ўзиб кетиб, четдан 800 тонна олтин келтирганди. 1997 йилда эса, бу кўрсаткич 737 тоннага етганди. Олтин нархи ошганлигини биринчи навбатда қиз узатишга шайланаётган кишилар сезишди. Чунки январнинг ўрталаридан Ҳиндистонда тўй даври бошланади. Қизларга эса сеп сифатида кўплаб тилла буюмлар зарур. Буни ҳисобга олиб Россия Лондон биржасини четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри Ҳиндистонга олтин етказиб бермоқчи.

Шариат ҳукми бажарилди

Чеченистон Президенти Аслан Масхадов ўз хотинига тегишли инсонпарварлик жамғармасини тарқатиб юборди. Бу қарор мамлакат шариат судининг аёллар Ислом давлатида раҳбарлик лавозимини эгаллашларига йўл қўйилмайди, деган фатвосига биноан амалга оширилди.

Куни кеча шариат суди мамлакат парламентининг қонун чиқарувчи фаолиятини ҳам тўхтатди. Чунки бу вазифани давлат диний кенгаши амалга ошириши керак эмиш. Би-Би-Си мухбирининг хабарларига кўра, бу Масхадовнинг исломчиларга яна бир бор ён босишидан иборатдир. Натижада Чеченистоннинг ғарб билан алоқалари бўшашиб, унинг араб дунёси билан яқинлашуви тезлашади.

Бу дунёнинг ишлари

Рақибларнинг ғазаби

Нидерландия молия вазири Херрит Залм ўтган куни кечқурун Амстердамдаги евро савдосида қатнаша олмади. Чунки ягона Европа валютасининг рақиблари бўлмиш кишилар унинг юзига иккита кремли тортни улоқтиришди. У бу ҳаракатни нодемократик, деб атади. Лекин шунга қарамай евро долларга нисбатан анча қудратли бўлиб қолди. Агар 1 январь куни 1 евро 1,17 АҚШ долларига тенг бўлса, энди бу кўрсаткич 1,18.

Евронинг дадил одими

Янги ягона Европа валютаси евро жаҳоннинг валюта молия бозорларида дадил одим ташламоқда. Эксперт ва шарҳловчиларнинг фикрича Франкфурт биржасидаги дастлабки савдода Германия қимматли қоғозларининг индекси 4,19 фоизга ошди. Евронинг қудрати долларга нисбатан ҳам ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар тўғрисида ахборот оқимини шакллантириш;

тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштириш;

рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф-муҳит ҳолатига тажовузидан ҳимояланиш чораларини таъминлаш;

маҳсулотнинг характери, тайёрланиш усули ва жойи, истеъмол хусусиятилари, сифати ва бошқа тавсифлари, уни реализация қилиш шартларига кўра истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар реклама воситасида тарқатилишининг олдини олиш.

2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланиш соҳаси

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилади.

Ушбу Қонун ижтимоий воқеаларни, сиёсий партияларнинг, диний ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг манфаатларини акс эттирувчи ва (ёки) уларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган ахборот билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилмайди.

3-модда. Реклама тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари

Реклама тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида реклама соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг реклама тўғрисидаги Қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус **ахборот;**

реклама берувчи – рекламани тайёрлаш ва (ёки) тарқатиш учун унга буюртмачи бўлган шахс;

реклама тайёрловчи – реклама тайёрлашни тўлиқ ёки қисман амалга оширувчи шахс;

реклама тарқатувчи – реклама воситалари орқали реклама тарқатишни амалга оширувчи шахс;

рекламадан фойдаланувчи – реклама йўналтирилган шахс ёки шахслар гуруҳи;

реклама воситалари — рекламани ундан фойдаланувчига етказиш учун ишлатиладиган воситалар;

маҳсулот – товарлар, ишлар, хизматлар.

5-модда. Рекламанинг тили

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг ҳоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади. Белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), босма усулда терилган бўғинли белгилар (логотиплар) асли қайси тилда бўлса, шу тилда келтирилиши мумкин.

6-модда. Рекламага доир асосий талаблар

Қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Рекламада қуйидагилар тақиқланади:

ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш;

жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб, бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг маҳсулотини бадном этиш;

қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек хавфсизлик воситаларига эътиборсизлик туйғусини уйғотувчи ҳаракатларга даъват қилиш;

мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмай туриб реклама қилиш;

агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бошқа маҳсулот рекламасида қўлланиладиган умумий ечим, матн,тасвир, мусиқали ёки овозли оҳангларни айнан такрорлаш (тақлид ёки ўхшатма қилиш);

жисмоний шахснинг номи ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш;

порнографияни тарқатиш.

7-модда. Вояга етмаганларга мўлжалланган рекламага оид чеклашлар

Қуйидаги реклама тақиқланади:

фақат вояга етмаганларга мўлжалланган ёки вояга етмаганларнинг олиши ёхуд истеъмол қилиши тақиқланган маҳсулотни вояга етмаганлар истеъмол қилаётган ёки ундан фойдаланаётган тасвир туширилган реклама;

вояга етмаганларни маҳсулот олишга ёки реклама қилинаётган маҳсулотни олишни илтимос қилиб учинчи шахсларга мурожаат этишга даъват қилувчи реклама;

ҳақиқий ёки ўйинчоқ қуролдан фойдаланилган реклама.

8-модда. Реклама берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Реклама берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

реклама хусусида шартнома тузиш тўғрисида ошкора таклиф (оммавий оферта) киритиш;

реклама тайёрловчи ва тарқатувчи шартномани асоссиз равишда бекор қилган ҳолларда, етказилган зарарнинг ўрнини ва маънавий зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш.

Реклама берувчи:

реклама тайёрловчи ва (ёки) тарқатувчининг талабига биноан реклама ахборотининг ишончлилигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши;

агар реклама берувчининг фаолияти лицензияланиши зарур бўлса, маҳсулотни ёки реклама берувчининг ўзини реклама қилаётганда тегишли лицензияни тақдим этиши шарт.

Реклама берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

9-модда. Реклама тайёрловчи ва тарқатувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари

Реклама тайёрловчи ва тарқатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

оммавий оферта йўлланган шахсдан белгиланган тартибда акцепт олганидан сўнг реклама берувчи шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда, бу шахсни шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги ҳамда реклама берувчининг шартнома тузишни асоссиз равишда рад этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда реклама берувчидан тегишли лицензияни талаб қилиш;

Реклама тайёрловчи ва тарқатувчи:

ушбу Қонунда белгиланган реклама фаолияти ва ҳомийлик қоидаларини бажариши;

ахборот ёки бошқа материалларни берган шахс тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз ошкор қилмаслиги;

реклама берувчи қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ахборот берган тақдирда реклама берувчини бу ҳақда вақтида хабардор этиши шарт.

Реклама тайёрловчи ва тарқатувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

10-модда. Рекламага бўлган муаллифлик ҳуқуқи

рекламага бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11-модда. Рекламани айнанлаштириш

Реклама, уни тарқатиш шакллари ёки воситаларидан қатъи назар, бошқа ахборотдан реклама деб ҳисоблаш мумкин бўладиган даражада ажратилган бўлиши керак.

Телевидение ва радиодаги реклама бошқа дастурлардан унинг бошланиши ва охирида аудио-, видео-, аралаш воситалар ёки бошловчиларнинг шарҳлари ёрдамида ажратиб қўйилиши лозим.

Маҳсулотга қизиқишни шакллантириш ва маҳсулот реализациясига кўмаклашиш учун маҳсулотнинг муайян маркасига (моделига артикулига) ёки унинг ишлаб чиқарувчисига истеъмолчининг эътиборини атайин жалб этувчи, шунингдек мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки тарқатувчи шахса таллаулки маълумотлардан (реквизитлардан) иборат ахборот материали, муаллиф ва таҳririят материали – реклама ҳисобланади ҳамда у «Реклама» ёки «Реклама ўрнида» рукни остида жойлаштирилмоғи лозим.

12-модда. Ҳомийлик

Телерадиодастурларни яратишда, бошқа оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлашда, театр-концерт, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни уюштиришда ҳомийлар қатнашиши мумкин.

Реклама телевидение ва радио, аудиовизуал маҳсулот билан боғлиқ бўлган ва ҳомийлик хизматларидан фойдаланилаётган тақдирда, ҳомийлар тўғрисидаги ахборот дастурнинг бошланишида ва охирида қисқа ва аниқ қайд этилиши керак. Ҳомийнинг номи (номланиши) ёнида ёки ҳомийнинг ўрнига унинг товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) кўрсатилиши мумкин.

Янгиликлар тўғрисидаги телерадиодастурларда ҳомийларнинг хизматларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳомийлик кўрсатилаётган шахснинг фаолиятига ҳомий аралашишга ҳақли эмас.

13-модда. Нотўғри реклама

Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган шахсларга, шунингдек давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланади.

Нотўғри реклама тақиқланади.

Рекламани нотўғри деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи қабул қилади.

14-модда. Яширин реклама

Яширин реклама истеъмолчининг идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказадиган, шу жумладан махсус видеоиловалардан (қўш овозли ёзувдан) фойдаланиш йўли билан ҳамда бошқа усуллар билан таъсир ўтказадиган рекламадир.

Яширин рекламадан радио-, теле-, видео-, аудио- ва кино маҳсулотда, шунингдек бошқа маҳсулотда фойдаланишга ва уни ўзга усуллар билан тарқатишга йўл қўйилмайди.

15-модда. Қиёсий реклама

Қиёсий реклама – рақобатчига ёки унинг томонидан тақдим этилаётган муайян бир турдаги маҳсулотга бевосита ёки билвосита айнанлаштириладиган рекламадир.

Агар рекламада маҳсулотнинг моддий, муҳим, ишончли хоссалари холисона ва инсофли тақосланса, агар бунда реклама ундан фойдаланувчини чалғитиб қўймаса ва чалғитиб қўйиши ҳам мумкин бўлмаса, реклама берувчи билан рақобатчининг шахси ёки реклама берувчининг ва рақобатчининг товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), фирма номи, маҳсулоти аралашиб кетмаса ҳамда рақобатчининг ишчанлик обрўсини ёки унинг товар белгисини (хизмат кўрсатиш белгисини), фирма номини, маҳсулоти ёки фаолиятини бадном этмаса, қиёсий рекламага йўл қўйилади.

16-модда. Ижтимоий рекламали ахборот

Ижтимоий рекламали ахборот соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборот, шунингдек нотижорат йўсиндаги бошқа ахборотдир.

Шахсларнинг ижтимоий рекламали ахборотни текинга тайёрлаш ва тарқатишга доир фаолияти, ўз мол-мулкини (шу жумладан пул маблағларини) ижтимоий рекламали ахборот тайёрлаш ва тарқатиш учун бошқа шахсларга бериши хайрия фаолияти деб эътироф этилади. Бундай шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Фаолияти давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақтининг (нашр майдонининг) камида 5 фоизи ҳажмида ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштириши зарур.

17-модда. Телевидение ва радиодаги реклама

Телерадиоташкилотлар учун рекламага ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатига 10 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Бу талаб кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ихтисослаштирилган рекламавий каналларига татбиқ этилмайди.

45 минутдан ортиқ давом этадиган концерт-томоша ва спорт дастурлари, кино- ва телефильмлар реклама учун тўлиқ 45 минутлик вақт оралиғида кўпи билан бир марта узиб қўйилиши мумкин. Реклама бу кўрсатувларнинг (эшиттиришларнинг) бошланиши олдидан ва (ёки) улар тугаганидан сўнг жойлаштирилиши ҳам мумкин. 10 минутдан кам давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) умуман, 10 минутдан ортиқ давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) эса бу телекўрсатувларнинг (радиоэшиттиришларнинг) муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан келишмасдан туриб реклама жойлаштирилиши мумкин эмас.

Давлат анжуманлари ва маросимлари олиб кўрсатилаётган (эшиттирилаётган) пайтда уни узиб туриб рекламани кўрсатиш (эшиттириш) тақиқланади.

Болалар даврасига (ўн тўрт ёшгача бўлганларга) мўлжалланган кўрсатувларда (эшиттиришларда) реклама тақиқланади. Бу тақиқ ижтимоий рекламали ахборотга татбиқ этилмайди.

Телекўрсатувларнинг бошловчилари, дикторлари ва бошқа қатнашчилари реклама учун ажратилган вақтдан ташқари пайтда маҳсулотни билатуриб намойиш қилиш ёки унинг истеъмол хусусиятларини бевосита ёки билвосита тавсифлаш ҳуқуқига эга эмас.

Телевидение ва радио ходимларига ахборот ниқоби остида реклама билан шуғулланиш, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчининг реквизитларини, жойлашган манзилини, телефон рақамини, маҳсулотнинг тижорат белгиларини кўрсатиш тақиқланади.

18-модда. Босма оммавий ахборот воситаларидаги реклама

Босма оммавий ахборот воситаларидаги рекламанинг ҳажми, мавзусини шу оммавий ахборот воситаларининг ўзлари мустақил белгилайди. Обуна бўйича тарқатиладиган босма воситалар обуна шартларида нашрнинг умумий ҳажмидаги реклама миқдорини кўрсатишлари шарт.

Реклама йўсинидаги хабарлар ва материалларни бериб боришга ихтисослашмаган даврий босма нашрларда реклама даврий нашр бир сони ҳажмининг 40 фоизидан ошиб кетмаслиги шарт, қолган реклама бепул илова тарзида берилиши керак.

19-модда. Телефон ва ҳужжатли электр алоқадан фойдаланиладиган тарздаги реклама

Телекс ва факсимиль алоқа ёрдамида реклама қилишга, агар олувчининг махсус сўрови бўлмаса, бир манзилга бир варақдан ортиқ бўлмаган ҳажмда бир марта жўнатишга йўл қўйилади.

Маҳаллий, шаҳарлараро ёки халқаро телефон алоқасидан фойдаланиладиган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар рекламаси реклама воситаларида тарқатилган тақдирда қуйидаги аниқ ахборотлардан таркиб топган бўлиши керак:

хизматнинг пулли ёки текин йўсинда эканлиги ҳамда унинг қиймати тўғрисидаги ахборот;

таклиф этилган хизматнинг мазмуни тўғрисидаги ахборот;

хизмат истеъмолчилари доирасига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳамда хизматнинг ишлаб чиқарувчиси томонидан белгиланган — ёшга доир ва бошқа чеклашлар тўғрисидаги ахборот;

телефон алоқа каналидан пулли фойдаланиш ва тегишли минтақада хизматдан 1 минут фойдаланишнинг қиймати тўғрисидаги ахборот.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ахборот реклама хизматини тақдим этиш учун фойдаланиладиган телефон рақами терилган шрифт ҳажмининг камида ярмига тенг ҳажмдаги шрифт билан босилиши шарт.

Милиция, тез тиббий ёрдам, ёнғиндан сақлаш ва шу каби хизматларнинг бепул хизмат кўрсатадиган телефон рақамларидан реклама тарқатиш учун фойдаланиш тақиқланади.

20-модда. Ташқи реклама

Ташқи реклама алоҳида махсус конструкцияларда, тахталавҳаларда, экранларда, биноларнинг, иншоотларнинг ташқи томонида ва ҳоказоларда жойлаштириладиган реклама киради.

Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланади.

Муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташқи томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг маҳсулоти ҳақида шу бино витринасидаги ахборот (пешлавҳа) реклама деб ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш талаб этилмайди.

Ташқи рекламани кўча ёритқичларининг таянчларида ҳамда кўча ва йўллар қатнов қисми узра жойлаштириш хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилган ҳолда ва йўл белгилари, светофорлар, чорраҳалар, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, умумфойдаланишдаги транспорт воситалари бекатларини тўсиб қўймаган ҳолда, шунингдек, бундай реклама йўл белгилари ва кўрсаткич белгилар тасвирини такрорламаган (ёки айнан тақлид қилмаган) тақдирда амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилиш объектлари доирасида ташқи рекламани жойлаштиришга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки тегишли давлат бошқарув органларининг ваколат доирасида улар билан келишилган ҳолда рухсат берилади.

Ташқи рекламани тарих ва маданият ёдгорликларида, шунингдек, дов-дарахтларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланади.

21-модда. Транспортдаги ва почта жўнатмаларидаги реклама

Реклама транспорт воситаларида, шу жумладан метрополитенда фақат уларнинг эгалари ёки мулкдорлари билан келишилган ҳолда ҳамда хавфсизлик талаблари ва йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ жойлаштирилиши мумкин.

Рекламани умумфойдаланишдаги транспорт воситаларида, метрополитен бекатларида, вокзалларда, портлар ва аэропортларда йўловчиларга хабар берувчи овозли тармоқлар орқали тарқатиш тақиқланади, ижтимоий рекламали ахборот бундан мустасно.

Рекламани почта жўнатмалари орқали тарқатиш Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг рухсати билан амалга оширилади. Рухсатномалар бериш тартиби ва олинадиган йиғим миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

22-модда. Дори воситалари, тиббий буюмлар, косметика ва маиший кимё воситалари рекламаси

Дори воситалари рекламасида қуйидагилар бўлиши шарт:

дори воситасининг тўлиқ номи (шу жумладан халқаро фармакологик номи) ва ишлаб чиқарувчисининг номи;

дори воситасидан фойдаланиш ёки уни қўллаш ҳақидаги ахборот.

Қуйидагиларни реклама қилиш тақиқланади:

фақат шифокорнинг кўрсатмаси (рецепти) бўйича бериладиган дори воситалари;

таркибида гиёҳвандлик воситалари ва (ёки) психотроп моддалари бўлган дори воситалари;

Ўзбекистон Республикасида тиббиётда қўлланишга рухсат берилмаган дори воситалари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз қуйидагиларни реклама қилиш тақиқланади:

вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситалари;

даволаш сеанслари, гипноздан ва руҳий ёки биоэнергетик таъсирнинг бошқа усулларидан фойдаланиб амалга ошириладиган шунга ўхшаш тадбирлар;

тиббий йўсиндаги буюмлар, тиббий техника, гигиена воситалари, дизенфекция, дезинсекция ва дератизация воситалари;

даволаб бўлмайдиган ёки даволаш қийин бўлган касалликларга нисбатан самарали терапевтик усул.

Қўлланиши ва реализация қилиниши юзасидан тегишли давлат органлари махсус рухсатнома бермай туриб косметика воситалари, маиший кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, витаминли ва биологик жиҳатдан таъсирчан озиқ-овқат қўшимчаларини реклама қилиш тақиқланади.

Ушбу модданинг қоидалари тиббий муассасалар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган рекламага татбиқ этилмайди. Тиббий муассасалар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

23-модда. Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламаси

Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламаси тамаки чекиш ва алкоголли ичимликни истеъмол қилишнинг зарари ҳақида огоҳлантириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар жами рекламаси майдонининг камида 5 фоизи ҳамда телевидение ва радиодаги реклама ролиги эфир вақтининг камида 3 секунди ана шундай огоҳлантириш учун ажратилиши лозим.

Тамаки ва тамаки маҳсулотлари, алкоголли ичимликлар рекламаси чекиш ва алкоголли ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этишдан иборат бўлмаслиги, бу жараёнлар ижтимоий ва спорт ютуғига эришиш учун ёки истеъмолчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати яхшиланиши учун мужмиятга эга, деган таассурот туғдирмаслиги керак.

Тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламаси тиббий, спорт, мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим муассасаларидан камида икки юз метр нарида, алкоголли ичимликлар рекламаси эса — камида беш юз метр нарида жойлаштирилиши керак.

Қуйидагилар тақиқланади:

қуввати 28 даражадан ортиқ бўлган алкоголли ичимликларни реклама қилиш;

телевидение ва радиода эрталаб соат 7 дан кеч соат 22 гача тамаки маҳсулотларини ва қуввати 28 даражагача бўлган алкоголли ичимликларни реклама қилиш;

тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар намуналарини реклама мақсадида вояга етмаган шахсларга текин тарқатиш;

асосан вояга етмаганларга мўлжалланган тадбирларга, агар ўларда тамаки маҳсулотлари ёки алкоголли ичимликларнинг номи ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган бўлса, ҳомийлик қилиш;

вояга етмаганларга тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларнинг номи ва товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш;

вояга етмаганларга мўлжалланган босма нашрларда тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни реклама қилиш;

газеталарнинг биринчи саҳифаларида, журналларнинг ва бошқа даврий нашрларнинг муқоваларида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни реклама қилиш.

24-модда. Қурол-яроғ рекламаси

Қурол-яроғни реклама қилиш фақат махсус нашрларда, шунингдек бевосита овчилик қуролларини реализация қилувчи савдо ташкилотларининг биноларида ёки тегишли кўргазмаларда (тадбирларда) амалга оширилади.

25-модда. Қимматли қоғозлар ва аҳолининг маблағларини жалб этиш билан боғлиқ хизматлар рекламаси

Қимматли қоғозларни ва аҳолининг маблағларини (банклардаги мабалағларини, суғурта маблағлари ва шу кабиларни) жалб этиш билан боғлиқ хизматларни ёки шундай хизмат кўрсатаётган шахсларни реклама қилишни бундай фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқи борлигини тасдиқлайдиган тегишли лицензия бўлган тақдирдагина амалга ошириш мумкин. Бундай хизматлар ёки шундай хизмат кўрсатувчи шахслар рекламасида кутилаётган даромадлар миқдорини, шунингдек, бўлажак фойда (даромад) тўғрисидаги бошқа ахборотни маълум қилиш тақиқланади, камида бир йиллик якунларга кўра амалда тўланган фойда (даромад) бундан мустасно.

Қимматли қоғозлар ва аҳолининг маблағларини жалб этиш билан боғлиқ хизматлар рекламасига таллаулки муносабатларни тартибга солиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

26-модда. Реклама материалларини сақлаш муддатлари

Реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи реклама материалларини охирги марта реклама эълон қилинган (кўрсатилган) кундан бошлаб бир йил давомида сақлаши шарт.

27-модда. Реклама ахборотига таллаулки ҳужжатлар ва материаллар олиш

Реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи ўз зиммасига реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш юклатилган давлат органларининг талабига кўра, улар белгилаган муддатда реклама ахборотига таллаулки ҳужжатлар ва материалларни тақдим этиши шарт.

Реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг рекламага таллаулки ҳужжатлари ва материалларини монеликсиз олиш ҳуқуқи монополияга қарши давлат органининг мансабдор шахсларига берилади.

Тижорат сири ҳисобланган ва ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан олинган маълумотлар ошкор қилинмаслиги лозим.

Монополияга қарши давлат органи ёки реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи бошқа органнинг мансабдор шахслари тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қилган тақдирда, реклама берувчига, реклама тайёрловчи ва тарқатувчига етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан маънавий зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

28- модда. Аксилреклама

Ваколатли давлат органлари реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, қонунбузар мазкур органларнинг қарорига биноан ва улар кўрсатган муддатда аксилреклама бериши шарт. Аксилреклама бериш шунингдек, ихтиёрий равишда ёки суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин. Аксилреклама беришни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар қонунбузар томонидан қопланади.

Агар қонунбузар аксилрекламани реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган белгилаган муддатда бермаса, мазкур орган қонунбузарнинг рекламасини у аксилрекламани бергунга қадар тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахс билан шартнома тузган тарафларни бундан хабардор қилишга ҳақлидир.

Аксилреклама раддия берилаётган реклама эълон қилинган айни ўша оммавий ахборот воситаларида, айни ўша муддат, макон, жой ва тартибдан фойдаланган ҳолда берилади.

Аксилрекламанинг мазмуни қонунбузарлик ҳолатини аниқлаган ва уни тузатиш тўғрисида қарор қабул қилган тегишли давлат органи билан келишилади. Айрим ҳолларда бу органнинг қарорига биноан аксилреклама бериладиган оммавий ахборот воситаси, муддати, жойи ва тартиби ўзгартирилишига йўл қўйилиши мумкин.

29-модда. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчилар монополияга қарши давлат органи томонидан қўйидаги миқдорларда жаримага тортилиши мумкин:

нотўғри реклама берганлик учун, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этмаганлик ва аксилреклама беришдан бош тортганлик учун юридик шахслар — энг кам иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда, жисмоний шахслар эса — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда;

рекламага таллаулки маълумотларни ушбу Қонуннинг 27-моддасида кўрсатилган давлат органларига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик учун юридик шахслар — энг кам иш ҳақининг юз бараваридан эллик бараваригача миқдорда, жисмоний шахслар эса — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда;

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларни ўз муддатида бажармаганлик учун юридик шахслар — энг кам иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда, жисмоний шахслар эса — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда.

30-модда. Низоларни ҳал этиш

Реклама тайёрлаш ва тарқатиш жараёнида келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 декабрь.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Учар қушлар учди-кетди

Шеър ва шуур

Ота дуоси

Ўғлим сўрамасман сендан мол-дунё,
Ўй ҳам қуриб берма, майли, аломат.
Майли, кўзларимга бўлмагил зиё,
Ёнимда юрсанг бас соғу саломат.

Майли, кўтармагил мени елкангда,
Қалқон ҳам бўлмагил ёғса маломат.
Бир куни ёстиққа бошим текканда,
Тепамда турсанг бас соғу саломат.

Тойчоқ

Женева кўлининг соҳилида шан,
Тойнинг ҳайкалчаси товланар ҳар чоқ.
Дўрмон боғларининг этакларидан,
Қандай келиб қолдинг бу ерга, тойчоқ?!

Ҳордиққами десам, ҳали ёшсан-ку,
Ҳали чарчамаган асабларинг ҳам.
Тошкент ўтлоқлари эмасми инжу,
Сенга Женевада нима бор, ошнам?!

Тойчоқ кишнаб дейди: — Мана шу кўл деб
Сиғмай қолдингизми сиз ҳам у ёққа.
Акангнинг ҳолидан хабардор бўл деб
Жўнатиб юборди янгам бу ёққа...

Учар қушлар

Учар қушлар учди-кетди,
Қўлларимда пати қолди.
Ёшлик кетди, умрнинг ҳам
Шарти кетиб, парти қолди.

Дема, букун севгининг ҳам
Ўзи кетиб, оти қолди.
Лабларимда у бўсанинг
Ҳеч айнимас тоти қолди...

Жаҳонгашта

Бир кун сўрадилар жаҳонгаштадан:
— Айтгил, бир юракка олам сиққайми?
Ёки йўқми сенда турар жой, ватан,
Санғиб юрмоқликдан шохинг чиққайми?

У деди: тоқатим йўқдир фироққа,
Мен асли муҳаббат учун яралман.
Фақат гоҳи-гоҳи кетиб йироққа
Юртни даст кўтариб, тўйиб қарайман.

Тўртликлар

1

Уринма болакай, уринма ҳарчанд
Бағрингни мен каби, тиғлай олмассан.
Мен каби қувониб, куларсан гарчанд,
Лекин мен сингари йиғлай олмассан.

2

Бугун холи қўйдим яна дафтаримни,
Буни балки кимдир ялқовликка йўйди.
Асли сенга айтар ҳамма гапларимни,
Булбул айтиб қўйди.

Вақт ва ваколат

Олим Қурбонни Хоразмнинг ярим аҳли танийди десак лоф эмас. Ҳатто вилоят ойнаи жаҳон сухандонини ҳам бунча одам танимас, яқиндан билмас. Нега?

Умри давомида нотариусга иши тушмаган мусулмон бормикан? Йўқдир?! Бу масъулиятли вазифа.

Олим Қурбонов Боғот тумани ҳудудидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус. Вилоятда шундай ваколатли олти нафар нотариус фаолият кўрсатмоқда. Иш бошлаганларига эса эндигина ярим йилдан ошди. Янгиликка қўникиб кетишдими? Аслида нимаси «янгилик»? Эски иш, эски ташвиш.

Фақат вақти қисқарган. Энди олдингидек эрталаб соат фалондан кечки фалонгача идорада ўтиришмайди. Фалондан фалонгача тушлик учун кетиб қолишмайди. Ҳар куни йигирма тўрт соат иш вақти. Касб шуни тақозо қилади. Уйдами,иш жойидами, хоҳ дам олиш куни, хоҳ байрам бўлсин, излаб келган мижознинг ҳожатини чиқазиши керак.

Бу катта ваколат.

«Мулкчиликнинг янги шаклига ўтиб ишлаш билан биз

Журналист текшируви

Сувлар тушга кирса-я!

Жиззах вилоятининг Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор сингари чўл туманларида истиқомат қилаётган аҳолининг тушларига сув кириб чиқаётган бўлса ажабмас. Арнасой туманидаги «Янги бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Чинобод ва «Янгибўстон» аҳолисига мана 9 ойдирки сув ташиб келтирилмаётир. Бу ҳудудда яшовчи 4600 нафар киши чанқоғини бостириш учун тўғри келган сувни ичишга мажбур бўлишади. Аҳоли асфальт йўл ёқасидаги лотокдаги эскирган сувни истеъмол қиляпти. Лотокларнинг уланган жойларидан томчилаётган сувга челак тутаётган аёллару намланган бетонни ялаётган уй ҳайвонларининг аҳволига ачинасан.

— Бу сувни умуман ичиш мумкин эмас, — дейди Жиззах вилояти санитария эпидемиология марказининг бош ҳакими Мухтор Ражабов. — Бузилган сув таркибида ошқозоничак, жигар ва бошқа юқумли касалликларни тарқатувчи микроблар бор. Худо кўрсатмасин, эпидемия тарқаладиган бўлса, оқибати ҳунук бўлади.

Дарвоқе, вилоят санитария эпидемиология марказининг бир гуруҳ жамоаси уч кун давомида Арнасой тумани хўжаликларида ичимлик сув муаммоларини ҳал этиш бўйича текшириш ўтказдилар. Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, туман аҳолисининг ичимлик сувига бўлган талаби 20-30 фоизга қондирилаяпти, холос. Туманда истиқомат қилувчи 35 минг 592 нафар аҳолига ичимлик сув техника ёрдамида ташиб берилмоқда. Сув билан таъминлашда узилиш бўлган кунлари аҳоли лотоклардаги туриб қолган сувларни, оқаваларни, каналдан оқиб келаётган сувларни ишлатмоқдалар. Санитария эпидемиология маркази гуруҳи сув билан таъминлашдаги йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун 28 та жарима белгиладилар. Лекин жарима ундириш билан иш битармиди?..

Арнасой тумани ҳокими ўринбосари Қўлдош Сандибоев вилоят ҳокимининг туманда ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 5 миллион сўм ажратганлигини айтди. Истеъмолчиларнинг дебитор қарзлари кун сайин ошиб 47 миллион сўмга етибди.

— Халқ биздан мадад кутаяпти, уни албатта қондирамиз, — деб писанда қилди ўринбосар. Лекин тумандаги барча хўжаликларда сув деб саргардон бўлиб юрган аҳолига қоғоз ҳам, ваъда ҳам, писанда ҳам керак эмас. Сув керак, тоза сув! Тумандаги «Қозоғистон» хўжалигида 3281 нафар аҳоли яшайди. Уларга ичимлик суви ташиб берилади. Сув келтирган техникалар ўраб олинади, истеъмолчилар турнақатор навбат кутадилар. Олган олиб қолди, бўлмаса...

Зафаробод туманида ҳам сув таъминоти юқоридагидан яхши эмас. Ичимлик сув бўлмаган кунлари ерлик аҳоли Жанубий Мирзачўлнинг бир пайтлар қурилган каналларидан ичишга мажбур бўлаётганини мана бу ҳолат тасдиқлайди. «Уч қаҳрамон» қўрғони бўйлаб борарканмиз, каналдан сув олаётган аёлларга дуч келдик. Каналдаги сув Сирдарёдан оқиб келади. Чиқиндилар тўкилади, машиналар ювилади, турли ахлатлар тушади. Буни сувнинг ифлослиги, оқинди ва чўкиндилар тасдиқлайди. Лекин бамайлихотир сув олганлар буни биларми-кан?

— Шу сувни ичиш мумкинми? — савол берамиз аёлларга.

— Иложимиз қанча, қайнатиб, совитиб ишлатамиз.

— Қайнатганда ҳам тирик қоладиган, ҳатто минг градус иссиқликка чидайдиган микроблар ҳам борку, — эътироз билдирамиз.

— Қандай қилайлик, чойга ҳам, овқатга ҳам шу сувдан ишлатамиз. Иштаҳа бўғилади, ўзимизга таскин берамиз сув етти юмаласа тоза бўлади деб.

Иккала аёл ҳам шахт билан сув тўла челакларни кўтариб кетишди. Ибо, раҳбарга тик қарамаслик каби одатларимиз йўл қўймайди. Вақти келганда уялмаслик керак, изза бўлдим демаслик керак. Уларнинг ўрнига аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини қондирмаётганлар уялсин, боқибеғамлар изза бўлишсин.

Беихтиёр саволлар қуршовида қоласиз, нега ичимлик суви муаммоси қатор йиллардан бери ҳал этилмаяпти? Тумандаги Файзулла Хўжаев номли хўжалик меҳнаткашлари мана 5 йилдирки, ичимлик сувидан қийналадилар. Зафаробод тумани ҳокими муовини Даврон Узоқов ўтган ноябрь ойида сув танқислиги, айниқса сезилгани, узилиш кўп бўлгани ҳақида гапирди. Ҳар ойига етказиб бериладиган 47 минг куб метр сувнинг учдан бири аранг келтирилгани туман аҳолисининг фиғонини кўкка ўрлатди. Вилоятнинг чўл туманларида ўтказилган фаоллар йиғилишларида ичимлик сув билан таъминлашга оид саволлар устма-уст берилди. Нега, шу масала билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳал этилмайди, вазифалар бажарилмайди, қабилидаги ҳақли талаблар қўйилди. Вилоят ҳокимлиги аҳолини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш учун 20 миллион сўм ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Лекин қарор бошқа-ю, ижро бошқа экан.

Вилоят «Оқарсув» бошқармаси жамоаси аҳолини ичимлик сув билан таъминлашга жиддий эътибор беришлари керак. Улар аҳолини бир маромда ичимлик суви билан таъминлаб туришнинг уддасидан чиқолмаяптилар. Бу ишда тадбиркорлик, ташаббускорлик етишмаяпти. Биз шу соҳани текшириш учун бошқармага борганимизда эрталаб соат 9 бўлишига қарамасдан раҳбар Жўрақул Муҳиддинов иш жойида йўқ эди. Котиба унинг аллақаерга мажлис ўтказгани кетганлиги ҳақида гапирди. **«Камроқ мажлис ўтказинг, кўпроқ иш қилинг жаноб Муҳиддинов! Ахир сизнинг зиммангизга осон эмас 12 та туман ва шаҳарни тоза ичимлик сув билан таъминлашга раҳбарлик қилиш юклатилган. Бу ишни амалга оширишга сафарбар этилган 132 та артезиан қудуғининг 52 таси ишламай тургани ишингиз яхши эмаслигидан далолат беради. 62 километр узунликдаги сув қувурлари эскирган, чириган, уларни алмаштириш, таъмирлаш керак. Юқори кучланишли электр энергияси билан ишлайдиган трансформаторлар яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Сув тақсимлагичлар керак, мой йўқ, электр жиҳозлари етишмайди. Истеъмолчилардан тушадиган дебитор қарз оз эмас, 143 миллион сўмдан ошган».**

Мен бу гапни тўқиб чиқараётганим йўқ, бошқарманинг техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Неъмат Тўрағуловдан олдим. Жойлардаги фаолиятни текшириб шу хулосага келдим.

Ушбу бошқарма Пахтакор ва Дўстлик туманлари аҳолисига ҳам хизмат қилади. Пахтакор туманида 54 минг 800, Дўстлик туманида 43 минг 297 нафар аҳоли истиқомат қилади. Қарийб юз минг аҳолини узлуксиз сув билан таъминлаб туришда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар туфайли таъминотчилар бошқармадан норози бўлишаяпти. Чекка қишлоқларга сув етиб бормаяпти. Сув тўплаш ҳавзалари ҳафтасига икки марта тўлдирилмоқда. Сув келган кунларда ҳам фақатгина бир соат узатилмоқда.

Вилоятдаги Зафаробод, Арнасой ва Мирзачўл туманларини ичимлик суви билан таъминлаётган корхонанинг ишлари ҳақида ҳам фикр юритишга тўғри келади. Вилоят қишлоқ ичимлик суви таъминоти тресті бу ишда мутасадди ташкилот ҳисобланади. Қўйтош сув иншоотидан 20 йилдан бери ишламоқда. 98 километр узунликка чўзилган, диаметри 1,2 метр бўлган қувурлар орқали истеъмолчиларга сув узатилаяпти. Бу иш 13 та қудуқ орқали амалга оширилмоқда. 45 километр узунликдаги, яъни Қуйтошдан Зафаробод туманигача бўлган масофадаги қувурлар шу пайтгача республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳисобидан маблағ билан таъминланарди. Энди эса бозор муносабатлари туфайли бу маблағ берилмайдиган бўлди. Шундай экан, чўл туманларида ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш каби масалаларни ижобий ҳал этиш тўғрисида маҳаллий ҳокимликлар қайғуриши керак-ку!

Қуйтош сув иншоотида зудлик билан таъмирлаш ишлари бажарилмаса бўлмайди. Ўтган йили 19 маротаба қувурларнинг ёрилиши ҳолати кузатилди. Бу ишга 25 миллион сўм сарфлаш керак. Бу насосларнинг туриб қолишига, механизмларга салбий таъсир кўрсатмоқда. 28 та қудуқнинг 14 таси ишламаяпти. Автокран йўқ, махсус техникалар етишмайди.

— Истиқболда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш яхшиланиши керак, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Комил Қобилов. — Самарқанд ҳудудидаги Зарафшон дарёсидан 175 километр узунликда қувур тортиш ва истеъмолчиларга тақсимлаш кўзда тутилаяпти.

Кези келганда, вилоятда дарё, анҳор, булоқ сувларига бўлган муносабат ҳақида ҳам гапириш керак. Сангзор дарёсининг аҳолини сув билан таъминлашда аҳамияти катта. Бу дарёнинг суви ифлосланаётганини ҳисобга олиб, молхоналар кўчирилди. Дарё ёқасига қурилган «Моргузар» тош майдалаш фирмаси фаолияти тўхатилди. Лекин сувини ичса бўладиган дарёга муносабат ўзгармади. Дарё ичидан қонунсиз суратда қум қазиб олиш давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида дарё соҳилларида ўпирилишлар содир бўляпти. Оқар сувга ахлат тўкиш, ўлган молларнинг жасадини ташлаш давом этмоқда. Зарарли оқаваларнинг қўшилиши натижасида сувнинг сифати бузилаяпти.

— Ёз пайтларида дарёнинг сувини ичиб бўлмайди, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Абдумутал Алибеков. — Санитария эпидемиология ходимлари ҳар йили аҳолини огоҳлантирадилар. Ходимларимиз ўтган йили 404 марта текширишлар ўтказдилар. Биргина дарёга суви қўшиладиган Шўрбулоқ канали орқали 18 тонна сувда чўкмайдиган ифлос модда, 64 тонна қолдиқ ва бошқа турдаги сувни зарарлайдиган чиқиндилар оқиб келганлиги аниқланди. Бу чиқиндиларни Ғаллаорол шаҳрининг «Шароб» ҳиссадорлик жамияти ходимлари ариққа тўккан. Оқар сувни ифлослантиргани учун Абдурашид Умаров раҳбарлик қилаётган жамият жамоаси 204 минг 420 сўм жарима тўлайди. Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади.

Вилоятда ичимлик сув муаммолари тезда ҳал этилиши керак. Шундагина юқори ва мутасадди ташкилотларга қилинаётган шикоят-аризалар тўхтайди. Инсонга ғамхўрлик туйғулари ифодасини топади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ислоҳот ва масъулият

Газ — аҳоли зарурияти

Қарши шаҳар газлаштириш ва газ таъминоти идораси бошлиғи Яшин Исломов билан мулоқот

Корхонамиз янги йилдан бошлаб шаҳар аҳолиси ва шаҳардаги барча истеъмолчи ташкилотларни мунтазам равишда бир маромда газ билан таъминлаш мақсадида 55 бўлимдан иборат тадбирлар мажмуини тузиб чиқди. Айни вақтда шулар устида иш олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда шаҳримизда 899,1 км. газ қувурлари мавжуд бўлиб, ўзида 32,4 км. юқори босимли, 151 км. ўрта босимли, 715,7 км. паст босимли газ қувурларини ташкил этади. Мазкур газ қувурларининг яроқлилиги муҳим. Шу маънодаги текширишларимизда ер ости газининг чиқиши ёки чиқмаслиги аниқланади. Авария ҳолатлари имконияти даражасида бартараф этилмоқда. Шаҳардаги мавжуд 534 та ГРП (газ тақсимот пункти) умумий кўрикдан ўтказилди. Ўнлаб кўчаларга

қўшимча кучлантирувчи газ қувурлари тортилди. Тутак маҳалласи газлаштирилди. Айтиш лозимки, Тутак маҳалласи ва яна бир нечта маҳаллалар жойлашган ҳудуд илгари Қарши тумани ҳисобида эди. Яқиндан бошлаб эса бу ерлар шаҳар ҳудудига қўшилди. Чунки ўзингиз биласиз, вилоятнинг бошқа жойларига нисбатан газлаштириш масалалари бизда енгилроқ кечади. Йўқ, бу билан бизда муаммолар йўқ демоқчи эмасман. Бизда ҳам муаммолар қалашиб ётибди. Жумладан, бир вақтлар газ плитаси анжомларини марказлашган ҳолда олардик. Энди эса бунақа эмас. Ўша анжомлар бугунги кунда танқис. Тўғри 2-3 йил илгари турли фирмалар томонидан бундай анжомлар келтириларди. Бироқ улар ўзини оқламаяпти. Яна ер ости суви кўтарилиши натижасида трубалар узоққа бардош беролмаяпти.

— Шаҳарда истиқомат қилувчи аҳоли ўз уйига табиий газ улаш юзасидан кимга мурожаат этиши керак?

— Аҳоли уйларини газлаштириш учун газлаштириш идораси бошлиғи номига ариза берилади. Ариза ўрганиб чиқилиб, «Ўзгазлойиҳа» институтига буюртма берилади. Лойиҳа тайёр бўлгандан сўнг аҳолига шу лойиҳа асосида монтаж ишларини бажаришга рухсат берилади. Монтаж ишлари бажарилганидан сўнг шаҳар газлаштириш идораси томонидан бориб кўрилиб, хавфсизлик техникасига риоя қилинган бўлса, ишлаб турган газ қувурига улашга рухсат этилади ва тўлов дафтарчаси очиб берилади.

Илҳом КАРОМОВ
суҳбатлашди

Эл соғлиги — юрт бойлиги



Сўнгги йилларда Норин туманида аҳоли саломатлигини сақлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда тумандаги мавжуд шифохоналарда 310 врач, 1176 нафар ўрта тиббиёт ходими 114 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ҳаққулобод шаҳрида жойлашган марказий шифохона Норин туманидаги етакчи даволаш маскани ҳисобланади. Шунинг учун сўнгги пайтларда уни замонавий шифохоналар қаторига киритиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, яқинда у бутунлай таъмирдан чиқарилиб, бир қанча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ушбу марказий шифохона 400 ўринга мўлжалланган. Бу ерда 15 га яқин даволаш бўлими мавжуд бўлиб, уларда йилига 2 мингдан ортиқ бемор ўз дардига шифо топади. Мазкур шифохонанинг таъмирланиб, янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги даволашда самарадорликнинг ортишига олиб келади.

Суратларда: 1. Реанимация бўлими врачи Жўрабек Ўсаров беморни кўрикдан ўтказмоқда.

2. Кардиология бўлими мудири, олий тоифали кардиолог-врач Шуҳрат Ғаниев, биринчи тоифали кардиолог-врач Дилфуза Мадалиева ва бўлимнинг бош ҳамшираси Зулфия Норова кунлик иш режасини белгилашмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

Фельетон ўрнида

Асаббузарлик

ёхуд Челак деҳқон бозоридаги ҳангомалар

Сарлавҳани ўқибоқ бир чўчиб тушдингиз-а? Бироқ, Самарқанд вилоятидаги Челак деҳқон бозорини нечундир «Бомба бозори» деб аташадиган бўлибди. Албатта, эшитган қулоққа ғалати туюлади. Барибир, беparво ўтиб кетавериш инсофга тўғри келмайди. Мазкур бозорга бир қур назар ташлашга тўғри келди.

Туман марказидан катта йўл ўтади. Буни қарангки, якшанба кунлари ўша йўл четлари шу қадар гавжум бўлиб кетарканки, ҳақиқий бозори қаерда эканини билиб бўлмаскан. Йўқ, аслида бозордаги расталардан жой тегмагани учун ҳақиқий деҳқонлар шунақа йўл бўйларида савдо-сотиқ қилишга «маҳкум» эканлар... Ўз томорқасидан олиб келган карам ва картошкаларини ерга тўкканча савдо қилаётган Ҳалима исмли опахон билан суҳбатлашамиз:

— Нега бу ерда савдо қилаяпсиз?

— Чекка пул тўладим-ку, — деди опа бизнинг мақсадни тушунмай, ўзини оқлаган бўлиб. — Мана кеким. Ҳар бозор шу ерда савдо қиламан. Албатта чек оламан...

— Бозор ичкарисида — тайёр ва қулай расталарда нега савдо қилмаяпсиз?

— Биздақаларга жой тегармиди? Ана, ичкарига кириб кўринг...

Ҳалима опа сингари ўнлаб деҳқонларнинг ҳам жавоблари шу тахлитда бўлди. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотларини сотиш учун Челак деҳқон бозорига алbatta «ўлпон» тўлайдилар, чек оладилар. Бироқ...

Эҳтимол, Челакда ўз маҳсулотларини сотадиган деҳқонлар жуда кўплигидан бозор торлик қилиб қолгандир, деган ўйда бежиримгина дарвозадан ичкариладик. Очиғи, бунгача ҳам бир нарса ниҳоятда асабларимизни таранглаштираётган эди. Яъни, худди уруш мавзудаги киноларидагидек бетўхтов «пақпуқ» қилаётган даҳшатли товушлар қулоқларни қоматга келтираётганди. Ғоҳо, пахтаванд ўқ шундоқ ёнимизда портлаб, юраклар қинидан чиқаёзади. Аёллар қарғаб, эркаклар бўралатиб сўкиб қолаверади.

Бозор ичкарисига кирибоқ кўзимиз тушгани шу бўлдики, қатор-қатор расталарда ўша «хлопушка» — «пахтаванд ўқ» деган ўта бетайин «ўйинчоқ»лар пачка-пачкаси билан тахланиб ётибди... Очиқчасига, исталганча сотиб олишингиз ва одамлар тинчини бузиб, пақиллатаверишингиз мумкин...

Ўзини Хонбуви Худойқуловаман, деб таништирган аёлдан бир пачка «хлопушка» олган бўлиб, нархини сўрадик.

— Саксон сўм, — деди у бамайлихотир.

— Нима сотаётганингизни биласизми ўзингиз?

— Ана, эшитмаяпсизми? Болакайлар мазза қип пақиллатишяпти, ўшанақа ўйинчоқ-да.

— Ўша бомбаникидан қолишмайдиган товуш сизга қандай таъсир қиляпти?

— Энди-и, нима қилайлик? Тирикчилик-да, агар сотиш мумкин бўлмаса, Тошкентдаги «Отчопар» бозорига боринг, ўша ерда исталганча кўтара савдо қилишаётганларни жиловланг-чи. Ёки, Ургут бозоридан ҳам хоҳлаганча олишингиз мумкин. Ўшалар юртимизга келтиришмасин — олам гулистон! Мен савдо-сотиқ қилаётган бўлсам, мана, қўлимда чеким бор. Юз сўм тўлаб, чек олганимдан кейин бозорда хоҳлаган нарсани сотаман...

Ўзини Улуғбек Ҳайдаров деб таништирган тижоратчи йигит ҳам шунақа «ўйинчоқ»ни пачкалаб сотаётганига шоҳид бўлдик.

— Сотилмасин, деган буйруқ бўлса сотмаймиз-да, — деди у растадаги «ўйинчоқ»ларини йиғиштиррарканман. — Бўлмаса, нега ишлаб чиқаришади, нега катта-катта бозорларда «оптом» сотишади, нега божхона ходимлари, мелисалар индашмайди?.. Биз ўз номимиз билан тижоратчимиз. Нимадан кўпроқ савдомиз унса — шуни олиб сотаверамиз. Мана, бозорга келибоқ чекка пул тўладик!..

Бизга нақадар таъсир қилган манзара шу бўлдики, Челак деҳқон бозорида айнан деҳқонлар ерда-ю, олиб-сотарлар тўрда — қатор расталар, пештахталар устида савдо-сотиқ қилишаётир. Бозор маъмурияти учун «хўлу-қуруқ» баробар — чекини сотиб, пул тушумини қойиллатса бас.

Ўз идорасида бизни негадир совуққина қутиб олган раҳбар — Челак деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти раиси Рустам Шарипов бундай аҳволдан ҳижолат чекиш ўрнига мақтана кетди:

— Бу ер илгари колхоз трактор паркидан баттар жой эди, раҳбар бўлиб келганимдан сўнг шунчалик бозор қиёфасига келтирганимга биров раҳмат демайди-ю... қилдан қийиқ ахтарганларини қаранг...

Бозорқўм хонасида ўтирган Челак туман солиқ инспекцияси бошлиғи Яшин Раҳматиллаевдан «нега эл тинчлигини бузаётган портловчи моддалар сотилаётгани»ни суриштирсак, унинг энсаси қотди:

— Мени сўроққа тутишга нима ҳаққингиз бор? — жавоб ўрнига беўхшов савол берди у.

Яшинга «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли моддаларини кўрсатишга мажбур бўлдик. Шундан сўнггина у тилга кирди.

— Биз асосан чек тўғри сотилишини назорат қилиш учун келганмиз. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини назорат қилиш бўлимидан икки нафар, жисмоний шахслардан солиқ ундириш бўлимидан ўн бир нафар — жами ўн уч солиқчи келдик бозорга...



Кам эмас — ўн уч нафар солиқчи — ҳуқуқшунослар кезиб юрган бозордаги аҳвол наҳот бирортасини таажжубга солмаса? Бетўхтов ўқ товушларидан қолишмайдиган гумбур-гумбурлар асабларига таъсир этмаса?..

Солиқчилар 13 нафар бўлса, мазкур бозор жамоаси ҳам кам эмас — 28 киши! Шу бозорда паттачию-фаррош, тарозибону бошқалари ҳам айланиб юришибди-ку?..

Бозорнинг иқтисодий аҳволи билан танишиш мақсадида ҳисобчи хонасида кассир Илҳом Умиров билан суҳбатлашиб турганимизда ғалати воқеа юз берди. Бозорқўм хонасига ички ишлар соҳасидан бир ходим ва Самарқанд вилоят бозорлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Баҳодир Жуманов кириб кетдилар. Кўп ўтмай қия очиқ эшикдан бозорқўм Рустам Шариповнинг ғалати товуши эшитилди:

— Журналистлардан ҳам тўйиб кетдик-да. Якингинада вилоят «Зарафшон» газетасидан кеп-кетишуди, орқасидан «Мулкдор»данмиз деб келишипти... Бугун яна «Ўзбекистон овози»данмиз деб иккиси келиб ўтирибди...

Мана, гап қаерда! Бозор раҳбари биз журналистларни бу қадар совуқ кутиб олиши боиси бу ёқда экан-да! Унчамунча фиску-фасод гап қулоққа чалинганда ҳам эшитмасликка олиб кетавериш ярамайди. Айниқса, Рустам аканинг гаплари ҳар қандай журналистнинг нафсониятига тегиши шубҳасиз. Бу билан у нима демоқчи? Журналистларга қанақа маломат тошлари отмоқчи? Хуллас, эшитганларимизни Рустам акадан яширмадик:

— Журналистлар ташриф буюраётган бўлсалар, бирор ишингизга халақит беришяптими?

Бозор раҳбари мум тишлаб қолди. Базўр ғулдираб шундай деди:

— Ёмонламоқчи эмасману...

— Хўш, айтинг-чи, ўша таҳririятлардан қайси журналистлар келдилар? Келганларни дафтарингизга қайд қилганмисиз, йўқми? Бозорингиз ҳақида нималар ёзишди?..

Таассуфки, соясидан қўрқадигандек бозор раҳбари ломлим деб жавоб бера олмади.

Бозордаги аҳвол тўғрисида Баҳодир Жумановнинг фикри билан қизиқдик. Унинг жавоби ҳаммасидан ошиб тушди:

— Афсуски, бозорларда шунақа портлайдиган нарсалар сотилмасин, деган буйруқ ё кўрсатма йўқ-да?..

— Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят кодекси»дан наҳот бехабар бўлсангиз? Ахир, мамлакатимизда портловчи моддалар билан савдо-сотиқ қилиш, эл осойишталигига рахна соладиган нарсалар олиб кириш қатъий тақиқиланганидан хабарингиз йўқми? Қолаверса, айнан Самарқанд вилоятидаги бозорларда нималар сотиш мумкину нималар мумкин эмаслиги ҳақида қарор ва кўрсатмани сиз — вилоят бозорлари раҳбарларидан бўлак ким чиқариши мумкин?..

Таассуфки, у кишидан бирор жўяли жавоб эшитмадик. Фақат, товуши қулоқмияни тешиб юборгудек бўладиган «бомба»ча ҳақида бир гап айтди:

— Менга қолса, ўшанақа нарсаларни ишлаб чиқараётганларни ҳам, юртимизга олиб келаётганларни ҳам тегишли жазосини бериш зарур. Ахир, қайсидир безори менинг фарзандим устига «бомба»ча улоқтирган экан, нақ қулоғи остида портлаган товуш ва чақнаган оловдан бўлари бўпти...

Шунчалик жабр чеккан кишига яна қанақа кўрсатма ё қарор керак экан, деган ҳақли савол туғилмайдими!

Биз биргина Челак туманидаги катта деҳқон бозоридаги аҳволни таҳлил этдик. Хўш, бошқа бозорларимизда аҳвол қандай экан-а? «Бомба портласа портласин — пул бўлсин» қабилида иш тутаётганларни жиловлашга қодир мард топилармикан?..

Тўлқин ЭШБЕК,
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий «Ташаббус — 99»танловида иштирок этишга таклиф этамиз!

Танловда ўз фаолиятида юқори натижаларга эришган, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва табдиркорлар Палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлган микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар, фермерлар, ҳунармандлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов ўтказиш муддатлари;
Биринчи босқич — туман (шаҳарларда). — 1999 йил 10 февралгача;
Иккинчи босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида — 1999 йил 27 февралгача;
Учинчи босқич — Республика танлови. — Тошкент шаҳрида — 1999 йил 20 мартгача.
Танловнинг Республика босқичи ғолиблари «Нексия», «Дамас», «Тико» ва бошқа қимматбаҳо совринлар билан тақдирланадилар.
Танлов таъсисчилари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Бизнес-Фонд, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Пахтабанк», «Ўзтадбиркорбанк», «Асакабанк», «Трастбанк», «Ғаллабанк», «Заминбанк», «Мадад» суғурта агентлиги, Ўзбекистон ҳунармандларининг «Ҳунарманд» уюшмаси, Ўзбекистон ишбилармон аёллар «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Хорижий инвестициялар бўйича агентлик, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси, «Мулкдор» газетаси, «Камолот» Ўзбекистон ёшлар жамғармаси, «Частная собственность» газетаси, Ўзбекистон тадбиркорлар касаба уюшмаси, Республика Бизнес-инкубатори, «Ўзинвестлойиҳа» инжиниринг компанияси.

Танловда иштирок этиш учун аризалар туманлардаги тавар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палаталарида қабул қилинмоқда. **«Ташаббус — 99» танлови ташкилий қўмитаси.**

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 7 yanvar, payshanba № 3 (24.398).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004. Газета офсет усулида. А—2 форматда, 25805 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.45
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ёзув тарихи – халқ тарихи демак

Миллатнинг кўксини кўтарадиган, шакл-шамойилини гавдалантирадиган, миллий ғурур уйғотадиган унинг тарихидир. Тарихни тиклаш — миллатни тиклаш билан баробар. Туркийларнинг пайдо бўлиши, ҳаёт кечмиши, турмуш тарзига назар ташланса қадимий аждодларимиз кўзимиз ўнгида шаклланаверади. Миллатимизнинг улкан салоҳиятга эга эканлигига гувоҳ бўлаверамиз. Сурхондарёда топилган кулолчилик буюмлари орасида қадаҳ, ҳар хил ичимлик идишлари борлиги қадим-қадимда аждодларимиз ихтиро қилган буюмлар бугунга келиб ғарбдан кириб келган каби тутуриқсиз мантиқ остида қолиб келган. Аслида ғарб биздан ўрганган экан-ку! Ёки сопол буюмлардаги ёзувларни эслайлик. Антик даврдан олдинги замонларда ёзув санъати бизда такомиллашгани, марказлашган давлат ва маданият туркийлар заминида мавжуд эканлигини билдиради.

Археолог олдида сопол парчаси ётибди. У аввалига сопол парчасига ортиқча эътибор бермади. Оддий сопол-да. Биринчи марта топилаётгани йўқку. Лекин сополни секин тозалади, сиртига учи ўткир асбоб билан чизилган шаклларни «ўқиди». Унинг ҳайратдан, хурсандчиликдан кўзларига ёш келди...

Археологлар кўп марта бундай воқеалар қаршисида лол қолган. Дунё ёзув маданиятига асос солган шумерларнинг тарих саҳнига чиқиши учун ҳам асосий омил улар яратган миххатлар бўлди. Бинобарин, ёзув тарихи — халқ тарихининг иньикоси. Ёзувсиз халқ тарихи барибир сохтароқ бўлиб қолаверади. Шу боисдан шумерларни тарихчи олимлар эмас, филологлар кашф этганини таъкидлаб ўтиш ўринлироқ бўлади.

Ёки мисолни яқинроқдан олайлик. Қадимги туркий қавмлар ҳам фақат ўзлари яратиб қолдирган ёзув туфайлигина XIX аср охирида дунё тарихига маълум бўлди. Қадим тарихда «туркийлар» номи билан истиқомат қилган қавмлар бирлашмаси Марказий Осиёнинг шарқу ғарбида азалдан туб аҳоли экани ўз исботини топди. Қайси бир халқнинг ўтмишига назар ташламайлик, албатта, ёзув ҳал қилувчи омил эканига гувоҳ бўламиз. Чунки ёзув маданияти фақат шу халққа дахлдор. Шу боисдан ҳам халқнинг ижтимоий тарихини, шунингдек, этник (келиб чиқиш) тарихини холис, бир ёқламаликдан ҳоли қилиб яратишда ёзув муҳим аҳамиятга эга. Бу — биринчи далил. Иккинчи далил эса тарихий-адабий манбалардир. Ҳар иккаласи бир-бирини тўлдиради. Марказий Осиё мамлакатлари заминида араб ёзувига қадар туркий, хоразмий, сўғд, моний, кхарошти, бохторий, эски уйғур ва ҳоказо ёзувлар истифода этилган. Лекин мазкур ёзувларнинг тарқалиш чегараларига назар ташласак, туркий ёзув деярли ҳамма ҳудудда истифода этилгани ва қадимийроқ экани маълум бўлади. Чунки бу ёзувнинг эгалари — бугунги ўзбек халқининг ота-боболари. Туркий ёзув билан бирга қўлланган кўпчилик ёзувлар эса турли мақсадларда туркий муҳитга кириб келган. Яъни бир заминнинг туб ёзуви эмас. Жумладан кхарошти, брахми, моний ёзувлари.

Фарғона водийсининг Қува шаҳри туркий ёзувларнинг марказларидан бири бўлиб қолмоқда. 60-йилларда Қувада олиб борилган дастлабки археологик изланишлар илк туркий ёзувларни юзага келтирди. Зотан, шу давргача «Ўзбекистон туркий ёзувларнинг ватанидир» де-

Туркистон — умумий уйимиз

ган фикрни ўртага олиб чиқишганда эди, бир томондан, ғайриилмий деб баҳоланган, иккинчи томондан сиёсий хато ҳисобланган бўларди. 1996-98 йилларда Қувада давом эттирилган археологик изланишлар туркий ёзувлар сафининг кенгайишига сабаб бўлди. Таниқли археолог Б. Матбобоев иккита, Г. Иванов битта ёзув битилган хум парчасини топдилар. Ёзувни ўрганиб таҳлил этганимизда, ёзув белгилари Марказий Осиёнинг ҳамма ҳудудида VI-VIII асрларда кенг истефода этилгани, Иссиқ ёзуви эса (миладдан олдинги V асрга оид бўлиб, Қозоғистоннинг Иссиқ шаҳридан топилган) ёзувнинг изчил давоми экани маълум бўлди. Айни пайтда, Қува туркий ёзувлари ота-боболаримизнинг ҳаёт тарзи, юксак турмуш маданияти, Туронзаминнинг туркий қавмлар яшайдиган жўғрофий ўрни тўғрисида маълумот бергани билан ҳам қимматлидир. Кўринадики, туркий ёзув Даван давлатининг асосий ёзувларидан бири бўлган, айни пайтда бутун Туронзаминнинг мулки. Шубҳасиз, Лумонтепа ёзуви Б. Абдулғозиева топилмаси, Марҳамат туманидан топилган, Ўш атрофларидан топилган қатор туркий ёзув намуналари Даван давлатининг қадимий этник ҳолати тўғрисидаги масалаларга ойдинлик киритишга хизмат қилади.

Халчаёндан топилган ашёлар орасида учта белги туширилган сопол парчаси диққатимизни тортди. Ашёлар милоддан олдинги II-I асрларга оид. Демак, сополга туширилган белги ҳам шу даврнинг маҳсули: мухтарам олима Г. А. Пугаченкова ана шу белгиларга алоҳида урғу бериб: «Кушон давридаги грек ёзувининг бузилган намунаси» (Г. Пугаченкова. Халчаён, 59-60-бетлар) деб кўрсатади. Лекин ушбу ёзув юзасидан бизнинг олиб борган кузатишларимиз эса грек ёзуви эмас, туркий ёзувнинг илк намуналари Иссиқ ёзувининг давоми эканини кўрсатмоқда. Дарвоқе, баъзиларда савол туғилиши мумкин: «Бактрияда туркий ёзув нима қилади? Грек-бохторий ёзуви, кхарошти, брахми ёзувлари бу давлатда амалда бўлган-ку? Тўртинчи ёзувдан истифода этишга ҳожат борми?» деб эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, Бактриядаги туркий ёзув фақат шу билан чекланмайди. Бундан бир неча йил илгари академик Э. В. Ртеладзе билан ҳамкорликда кўҳна Термиздан, Қўштепадан, Кампиртепадан топилган «номаълум ёзувлар» тўғрисида ўз фикримизни билдирган эдик. «Номаълум ёзув»нинг ватани — яна Бактрия. «Номаълум ёзувлар» милоддан олдинги V-IV асрлардан милоднинг VII-VIII асрларини қамраб олади. Бу ёзув Ҳиндикушдан тортиб Еттисувгача, Тожикистондан тортиб Шарқий Туркистонгача тарқалган. Э. В. Ртеладзе тақдим қилган «номаълум ёзув» ҳам Кушон даврига алоқадор. («Халқ сўзи», 1993, 7 август). Қўштепа, Кампиртепа, кўҳна Термиз ва Халчаён ёзувлари Бактрияда макон қилган асосий аҳоли қатламининг тилини акс эттирган бўлиши керак.

Биз учун энг муҳими, шу заминнинг аҳолиси икки минг йил нарида туркий ёзувдан истифода этгани. Ёзув намуналарининг турли ҳудудлардан — Фарғонадан тортиб Сурхондарёгача чўзилган заминда топилаётгани шундан далолат берадики, ёзув узоқ асрлар давомида амалда бўлган.

Насимхон РАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ранг тасвирда Бобур сиймоси



1999 йил — Аёллар йили муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академияси Ҳиндистон маданият маркази билан ҳамкорликда Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азизахон МАМАТОВанинг шахсий кўргазмасини ташкил қилди.

Кўргазмада рассомнинг 20 дан ортиқ асари намойиш этилади. Бобурийлар сулоласига бағишланган туркум асарлар кўргазмада томошабин эътиборини ўзига жалб этади.



«Шоҳ Бобурнинг йўли» асарида жаҳонгашта Бобур Мирзонинг машақатли ҳаёт йўли ўз аксини топган. Ғалаба отига, яъни оқ отга минган шоҳ Бобур Мирзо сиймоси фонида Гўри Амир мақбараси билан Ҳиндистондаги машҳур Тожмаҳал саройи манзараси берилган. Гўри Амир мақбараси тасвирини бериш орқали рассом гарчи Бобур Ҳиндистонда яшаб ижод этган шоҳ бўлса-да, юрагида доимо Ватан туйғуси, соғинч ҳисси билан яшаганини кўрсатган. Тожмаҳал саройини тасвирлаш орқали саройда Бобурийлар олиб борган ишлар, юксалтирган маданият кўлами ва таъсирини очишга ҳаракат қилган.

«Камолиддин Беҳзод ёшлиги» асарида рассом ўспирин, иқтидорли, келажакнинг буюк мусаввири Беҳзоднинг мусаффо ички дунёсини: учар қушлар, отлар, оқкумуш балиқлар орқали ифодалаган. Шоир Алишер Навоий шеърияти, китоблар, эртаклар, афсоналар орқали дунёқараши шаклланган ёш мусаввир Беҳзод асарда гўзал, қобилиятли ижодкор бўлиб шаклланган. Болаларча беғуборлик, жозиба унинг чеҳраси, кўзларида ўзининг ажойиб ифодасини топган. Афсонавий учар отлар, афсонавий Семурғ қуш, ой ва осмон тўла юлдузлар. Кўкка қараб парвоз қилаётган ёш рассомнинг келажакда мусаввирлар султони бўла олиш қобилияти борлигини Азиза Маматова тасвирламоқчи бўлган ва унинг уддасидан чиққан.

Азиза ҳали ёш. У кундан-кунга гуллаб, яшнаб бораётган мустақил республикамизнинг кўрки, табиатини мўйқаламга олади, меҳнаткаш инсонларнинг кўплаб сиймосини яратади, деган умиддамиз.

Шарофатхон ҚАМБАРОВА,
санъатшунос

Ким қаерни кўзлайди

Спорт

Янги мавсум арафасида ҳамиша ўзига хос миш-мишлар тарқалади. Фалончи жамоани тарк этибди, мураббийси кетиб қолибди, деган гаплар бўлиши табиий. Шунга ўхшаб, ўтган йилнинг «Энг яхши футболчиси» номини олган моҳир пахтакорчи Миржалол Қосимов қадрдон жамоасини тарк этибди деган гаплар тарқалди. «Спорт экспресс» газетаси эса Миржалолни гўё Исроилнинг «Хапоэль» клуби билан шартнома тузмоқчи деб ёзди. Ваҳоланки, футболчимиз ўз жамоаси таркибини тарк этганича йўқ. Шунингдек, Павел Бугало ҳам Самаранинг «Крилья Советов» жамоасини кўзлаётгани ҳақидаги гаплар ҳам асоссиз деб қаралмоқда. Лекин Алексей Рошчиннинг «Пахтакор»ни тарк этгани рост. «Трактор» ўйинчиси Дилшод Ўрмонов янги мавсумни «Нефтчи»да ўтказишни ихтиёр этди. Греция ва «Черноморец» жамоаларида маҳорат ошириб, «Дўстлик»да ўйнаган Жаъфар Ирисметов эса энди «Самар-қанд»да тўп сурмоқчи. Албатта, бундай ўтиш ва қолишлар ҳақидаги аниқ маълумотлар яна ойдинлаштирилиши турган гап.

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз ўтган йили «Юз билан юзлашганлар» рукнини ташкил этиб, унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб борди. Шуни қувонч билан айтиш керакки, серқуёш, жаннатмакон юртимизда юз билан юзлашганлар кўп экан. Хатлар оқими ҳали ҳам давом этмоқда. Шунинг учун ушбу рукнни бу йил ҳам давом эттиришга қарор қилдик. Агар шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Хожаниязова*
Исми *Маҳбал*
Отасининг исми _____
Қачон, қаерда туғилган *1895 йил Қорақалпоғистон, Қорақўзак тум. Май овул кенгаши*
Ҳозир қаерда яшайди *ҚҚР, Қорақўзак поселкаси Рейм Тажимуратов кўч. 10-уй*
Узоқ умр кўришнинг сири *Келажакка умид билан яшаш* (қисқа баён этилади)
Юз ёшнинг хулосаси *Юз билан юзлашган — ўтмиш билан тиллашган* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

ОДАМЛАР КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Маҳалла — аҳиллик қўрғони

Маҳалла тинч, сен тинч, маҳалла ота-онанг ёки бир фарзандга етти қўшни ота-она, деган гаплар бежиз айтилмаган. Боиси, маҳалла азалдан тарбия ўчоғи, кенгашиб амалга ошириладиган бунёдкорлик маскани бўлиб келган. Мустақиллик йилларида маҳалларга эътибор янада ортди. Ҳозир маҳаллага ўз-ўзини бошқариш органи, ҳатто давлат ичида давлат деб қаралмоқда. Дарвоқе, маҳалла кўпгина ижобий амалларни рўёбга чиқарадиган фаол жамоа ташкилотларидан бирига айланиб бормоқда. Сирғали тумани маҳаллаларида ҳам аҳолининг тинчтотув ва аҳил яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бир қарашда маҳалладошлар кўнглини овлашга кўп нарса керакка ўхшамайди. Айтайлик, кўчаларнинг равон ва чароғон бўлиши, хонадонларнинг газ ва сув билан таъминланиши ҳамиша одамларда мамнуният ҳосил қилади. Албатта, булар масаланинг бир томони, холос. Айни пайтда маҳаллалар ва уларнинг фаоллари оқсоқоллар бошчилигида ибратли оилалар сафини кенгайтириш, болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш, маросимлар, анъаналар ва тўй-ю томошаларни дабдабасиз камчиқим қилиб ўтказишда ҳозиру-нозир бўлиб турадилар. Туманимиз маҳаллаларида одамлар кўнглини олиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларга аҳамият берилмоқда. Чунончи, «Жўнариқ» маҳалласи ва «Йўлдош» даҳасида қиш-қировли кунларда табиий равишда камаяди газ босимини созлаб қўйиш, газ тақсимлаш мосламаларини яхшилашдан ҳам кўпчиликнинг кўнгли сув ичди, дейиш мумкин.

Жами 3650 метр узунликдаги қувурлар орқали сув таъминотининг яхшиланиши ёш-қарининг кўнглидаги иш бўлди. «Обод», «Хабибий», «Нилуфар», «Бобур» каби маҳаллаларда қарийб 10 километрли йўл ва йўлкаларни таъмирлашга 11 миллион 225 минг сўм сарфланди. Мактабларни таъмирлашга ҳам аҳамият берилди. Ота-оналардан келадиган ўзига хос ёрдамга қараб ўтирмай ҳокимликдан ажратилган 13 миллион сўмлик маблағга таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши маҳалладошлар қувончига сабаб бўлди.

Маълумки, маҳалла оқсоқолларини сайлаш қизғин давом этмоқда. Одамлар ўзлари учун ҳар жиҳатдан ибрат бўладиган, тажрибали ва айни пайтда замонавий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий жиҳатдан малакали инсонларни оқсоқолликка лойиқ деб топишмоқда. «Навоий» маҳалласи оқсоқоли Зикир Назиров билан «Мустақиллик» маҳалласи оқсоқоли Баҳодир Курбоновга маҳалладошларнинг бажонидил овоз беришгани ҳам шундан. Ҳар иккала маҳаллада қаровчиси йўқ, кам таъминланган, кўп болали, ногирони бор оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш оқилона ҳал этилмоқда. Ўйлаймизки, «Оила йили»нинг узвий давоми сифатида бошланган «Аёллар йили»да ҳам маҳалладошларга эътиборни янада кучайтиришга, айниқса, хотин-қизларга меҳр шафқатли бўлишга ҳаракат қиламиз.

Шавкат БОБОЖОНОВ,
Сирғали туман ҳокими ўринбосари

«SEDEF COMPANV» қўшма корхонаси муассисларнинг 1998 йил 29 декабрдаги 14-сонли баённомасига асосан корхонанинг Низом жамғармаси 150000 АҚШ долларига камайганлигини маълум қилади.

Зангиота туман матлуботсавдо ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамият раиси Қудратилла Маҳамаджоновга волидаи муҳтарамаси **МУНАВВАРА ҲОЖИ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.